



History of the emergence of a system for whistleblowers

Shakhzod MAJIDOV¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2023

Received in revised form

15 September 2023

Accepted 25 September 2023

Available online

15 October 2023

ABSTRACT

This article theoretically analyzes the history of the emergence of the system of notification of corruption crimes.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss8/S-pp88-93>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Keywords:

corruption,
whistleblowers,
anti-corruption,
whistleblowers,
legal protection.

Korrupsiyaviy jinoyatlar haqida xabar berish tizimining vujudga kelish tarixi

ANNOTATSIYA

Kalit so'zlar:

korrupsiya,
xabar bergan shaxslar,
korrupsiyaga qarshi
kurashish,
huquqiy himoya.

Mazkur maqolada korrupsiyaga oid jinoyatlar haqida xabar berish tizimining vujudga kelish tarixi nazariy jihatdan tahlil qilingan.

История создания системы информирования коррупционных преступлений

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

коррупция,
информаторы,
противодействие
коррупции,
правовая защита.

В данной статье теоретически анализируется история возникновения системы оповещения о коррупционных преступлениях.

¹ Doctoral student, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan. E-mail: shohzod.majidov@mail.ru

Давлат ва хусусий сектор фаолиятида коррупцияга қарши курашишда амалга оширилаётган ислохотлар нафақат хорижий тажрибалар асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш, балки ушбу соҳада самарали тизим сифатида қўлланилиб келаётган маълум халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ҳисобланади [1.В.36]. Улардан бири ушбу соҳада кенг қўлланилиб келаётган самарали ва таъсирчан воситаларнинг мажмуи бўлган коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизми ҳисобланади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш механизми ўз ичига коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш, келиб тушган коррупция ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни қайта ишлаш, хабар берувчиларни ҳимоя қилиш, хабар берувчиларни рағбатлантириш, айрим ҳолатларда хабар бериш мажбуриятини юклаш ҳамда хабар бермаганлик учун жавобгарлик чораларини белгиланишини ўз ичига олади. Коррупция фактлари тўғрисида хабар берадиган шахсларни ҳимоя қилишни назарда тутувчи қоидалар ички қонунчилик учун янги бўлганига қарамай, узоқ тарихий давр мобайнида баъзи жиноятлар содир этилиши тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилувчи шахсларнинг позициясини тартибга солувчи қоидаларни ҳамда жиноий жавобгарликни назарда тутувчи қоидаларни ўз ичига олган.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат раҳбарининг сиёсий иродаси ўлароқ тан олинishi, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий ва сиёсий қадами сифатида, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асоси яратилди [2]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган тараққиёт стратегияси 84-мақсади доирасида коррупцияга қарши курашиш борасида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш каби мақсадлар давомий вазифа сифатида белгиланди [3]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сонли Фармони билан тасдиқланган “Коррупцияга қарши кураш бўйича давлат дастури”нинг 39-бандига биноан фуқаролар томонидан коррупция ҳолатлари ҳақида тезкор хабар бериш имкониятини кенгайтириш масаласини янада такомиллаштириш асосий вазифа сифатида қайд этилди [4]. Бундан ташқари, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат муҳитини янада шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси қабул қилинди. Мазкур стратегияда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар йўналиши доирасида “Коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш” асосий вазифа сифатида белгиланди [5]. Бундай тусдаги тезкор хабар бериш имкониятини таъминловчи механизм ва чоралар халқаро-ҳуқуқий стандартлар, кўплаб хорижий мамлакатлар қонунчилик амалиётида аллақачон батафсил равишда тартибга солинган. Бу эса ўз навбатида, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларнинг вужудга келиш тарихини назарий жиҳатдан таҳлил ва тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этишини назарда тутмоқда.

Бугунги кунда аксарият мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан жамиятнинг хавфсиз ва самарали ишлашини таъминлаш мақсадида соғлиқни сақлаш, мудофаа ва бошқа инфратузилмага катта маблағ ажратилмоқда. Натижада айрим мансабдор шахслар томонидан бюрократиянинг чекланган назорат имкониятларидан фойдаланиб, ўзларининг шахсий даромадларини максимал даражада ошириш мақсадида улар томонидан коррупциявий жиноятларни содир этилмоқда. Ушбу содир этилган коррупциявий жиноятлар фуқароларга катта солиқ юкини келтириб чиқариши, шунингдек тақдим этилаётган товарлар ва хизматлар сифатини пасайтириши жамият тараққиётига хавф туғдириши мумкин. Мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган коррупциявий жиноятларни аниқлаш ҳар доим қийин бўлганлиги сабабли, кўпгина давлат ҳукуматлари коррупция, ўғирлик ва корпоратив қонунбузарликлар тўғрисида ҳисобот бериш учун фуқароларга таянган.

Коррупцияга қарши курашишга оид илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахсларнинг вужудга келиш тарихи узоқ тарихий даврларга эга. Жумладан, VII асрдан эътиборан айрим давлатларнинг ҳукуматлари томонидан коррупциявий жиноятларга оид ноқонуний схемаларни очиш ва олдини олиш учун фуқароларга мурожаат қилинган. Шунингдек, дастлабки вақтларда жиноятлар тўғрисида хабар бериш тизими тўғридан тўғри айрим давлатларнинг қонунчилигида назарда тутилмаган бўлса-да, дастлаб содир этилган жиноятлар ҳақида хабар бериш фаолиятининг қонуний асосининг белгиланиши VII асрда Англияда вужудга келган. Бугунги кунда одатда сохта даъволар тўғрисидаги ишларни назарда тутадиган “куи там” атамаси “ўзи учун ҳам, қирол учун ҳам жиноий иш кўзғатадиган” деб таржима қилинган [6.B.537]. Бугунги кунда ҳуқуқшунослар ушбу атамани ўз ҳукумат доиралари номидан коррупцияга ботган ташкилотларга қарши даъво кўзғатадиган жиноий хабарлар билан синоним сифатида қўллайдилар [7.B.537]. Ушбу турдаги қоидаларнинг энг дастлабки намунаси 695 йилга тўғри келади, Кент қироли Вихреднинг декларациясида, агар “эркин киши (шанба куни) ишласа, у ўз фойдасини йўқотади ва унга қарши хабар берган одам жариманинг ва меҳнатнинг (фойданинг) ярмига эга бўлади”. Ушбу декларация хусусий шахсларга ўз мамлакати қонунчилиги бузилганлиги тўғрисида хабар бериш учун мукофот тўплашга имкон берадиган қонуннинг биринчи намунасини намоиш этади. Шунга ўхшаш низомлар фуқароларни қонун бузувчилар тўғрисида хабар беришни рағбатлантиришда мукофотлаш қоидаларининг самарадорлиги туфайли кейинги бир неча асрлар давомида пайдо бўлган [8.B.540]. Ушбу дастлабки низомларнинг асосий принципи хабар берган шахслар жиноят натижасида олинган маблағларнинг бир қисmini мукофотлаш тарзида хабар берувчи шахсларга тақдим этиш эди.

Юқорида таъкидланган тарихий-назарий таҳлилларга асосланган ҳолда шуни таъкидлаш ўринлики, коррупциявий жиноятлар ҳақида хабар бериш тизимининг вужудга келиш тарихини фактларга асосланган ҳолда аниқлаштириш қийиндир. Жумладан, жиноятлар ҳақида хабар бериш тизими қадимги Рим ва бошқа цивилизацияларда ҳужжатлаштирилмасдан турли шаклларда мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ, дастлаб тарзда хабар бериш механизми қонуний жиҳатдан ҳужжатлаштирган айрим давлатлар, жумладан Россия Федерациясининг ҳуқуқ

тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1649 йилда қабул қилинган “Собор кодекси” да ҳар бир шахсга давлатга қарши амалга оширилган тажовузлардан бири сифатида давлат мулкани талон-тарож қилганлик тўғрисида хабар бериш мажбурияти белгиланган эди. Шунингдек, қонунда давлат жинояти учун махсус жиноят таркиби хабар бермаслик, ўлим билан жазоланган [9.B.314-315]. Бундан ташқари, мазкур “Собор кодекси” да жиноят ҳақида хабар берган шахс тасдиқланган хабар учун мукофот олиши аксинча тасдиқланмаган ва айниқса ёлғон хабар учун оғир жазо белгиланиши назарда тутилган эди. Пётр I даврида синфий курашнинг кучайиши, дворянларнинг ўз диктатурасини кучайтириш истаги давлатнинг жазо сиёсатини кучайтиришни талаб қилган. Бу эса ўз навбатида, Пётр I нинг жиноят ҳуқуқи соҳасидаги қонунчилик фаолияти ўта интенсив тарзда олиб борилишига сабаб бўлган. Жумладан, 1715 йилда “Ҳарбий акт” қабул қилинган бўлиб, унга биноан жиноятлар ҳақида хабар бермаслик мустақил жиноят сифатида кўриб чиқилган бўлиб, у билан яратилган фискал институти шуғулланган. Давлатга зарар етказувчи хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар бермаслик учун шафқатсиз жазо тайинланган [10.B.314-315].

Бундан ташқари, АҚШ давлатининг ҳуқуқий тарихи юзасидан назарий таҳлиллар олиб борилганида Америка ташкил этилганидан бери жамоат манфаатларини ҳимоя қилиш ва фойда олиш учун фуқаролик масъулияти маданиятини ривожлантириш ва ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, фуқаролар уруши даврида урушдан фойда олиш ва тўғридан-тўғри фирибгарлик иттифоқни ҳам, конфедерация кўшинларини ҳам кучсизлантирди. Бузуқ мудофаа пудратчилари иттифоқ армиясида оқсоқ хачирларни, ўқ отмайдиган ўқ-дориларни ва ўқотар қуролларни сотдилар ва аскарларнинг қорақулоқ ва дизентерия ривожланишига сабаб бўлган рационни буздилар [11]. Ушбу ноқонуний амалиётларга қарши курашиш учун Конгресс 1863 йил 2 мартда “Сохта даъволар тўғрисида” ги (кейинги ўринларда – СДТ) қонунни қабул қилди. “Қариндошлар” деб аталмиш фирибгарлар ҳақида шахсий маълумотларга эга бўлишлари шарти билан АҚШ номидан пудратчини судга беришга рухсат берилди. Агар уларнинг даъволари муваффақиятли бўлса, даъвогарлар ҳукумат томонидан қайтариб олинган пулларнинг ярмини олишга ҳақли эдилар. СДТ ҳомийси сенатор Жейкоб Ховард, агар улар ўзлари коррупциявий хатти-ҳаракатлар билан шуғулланган бўлсалар ҳам, хуштакбозларга мукофот тўлашни энг катта фирибгарлик схемаларини очишнинг энг яхши усули деб қатъий ишонишган. Дастлабки қарор мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишда самарали эканлигини исботлади ва АҚШ Молия вазирлигидан ўғирланганларни жинояти учун жавобгарликка тортишнинг арзон усули эди [12]. АҚШ президенти Бенжамин Франклин 1773 йилда Массачусетс штатининг гувоҳнома билан тайинланган губернатори колонияларда ҳарбий кучларни кучайтириш учун парламентни қасддан йўлдан оздирганлигини кўрсатувчи махфий хатларни фош қилганда, биринчи Америка хабарчиларидан бирига айланди [13]. Шунингдек, Массачусетс штатининг 1686 йилдаги мустамлака қонунига кўра, нон сотишда фирибгарликлар тўғрисида хабар берган ҳар қандай инспекторни йиғилган жарималарнинг учдан бир қисмини мукофот сифатида бериши назарда тутилган [14.B.7]. АҚШда 1778 йилда хабар бериш тизимининг ҳуқуқий асослар яратилишига Ричард Марвен ва Самуел Шов исмли икки зобит қўмондон сабаб бўлган. Жумладан, Ричард Марвен ва Самуел Шов ўз қўмондони Эсек Хопкинс

Британия асирларини қийноққа солганига гувоҳ бўлишган . Натижада, улар ўз раҳбарлари содир этган воқеа ҳақида хабар беришга қарор қилишди, чунки содир этилган хатти-ҳаракат қонунчиликка зид эди. Бироқ, ўша даврда АҚШ да жинойтлар тўғрисида хабар берган шахсларнинг ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ҳимоя мавжуд эмас эди. Натижада континентал Конгресс томонидан 1778 йил 30 июлда “Хабар берувчилар ҳимояси тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган. [15.В.3].

Фикримизча, тарихий даврда АҚШда ҳукуматнинг хавфсиз ва самарали ишлашини таъминлаш, коррупциявий жинойтларга қарши курашишнинг самарали чораси сифатида “Хабар бериш” механизми ишлаб чиқилган ҳамда ҳуқуқий асоси яратилган. Хусусан, Қўшма Штатларда хабар берувчиларга оид асосий қонундан ташқари штатлар томонидан низомлар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу низомга кўра, фуқаролар хабар топган жинойтлар ҳақида балки федерал ходимлардан иш берувчиси баъзи қонун, қоида ёки қоидаларни бузганлиги тўғрисида хабар беришини ҳам белгилаб берилган.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда аксарият давлатларда давлат бошқарув шакли тарихий жиҳатдан монархия бошқарувидан тубдан фарқ қилса-да, шу вақтларда ҳам содир этилаётган, содир этилган жинойтларни профилактика қилиш ва очишда хабар бериш механизмга эҳтиёж мавжуд бўлган. Бу эса ўз навбатида, кўпгина давлатларнинг миллий қонунчилигида хабар бериш тизимининг ҳуқуқий асосларини яратилишига сабаб бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Primakov D. Compliance practices: anti-corruption, banking compliance, sanction compliance and asset tracing – М.: Infotropic media, 2019 – P.36.
2. Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ-419-сон. 03.01.2017. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/3088008>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. ПФ-60-сон. 28.01.2022. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/5841063>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони. ПФ-6257-сон. 06.07.2021. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/5495529>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида”ги Фармони. ПФ-158-сон. 11.09.2023. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. <https://lex.uz/docs/97664>
6. J. Randy Beck, “The False Claims Act and the English Eradication of Qui Tam Legislation”, 78 North Carolina Law Review page-537 (March 2000).
7. J. Randy Beck, “The False Claims Act and the English Eradication of Qui Tam Legislation”, 78 North Carolina Law Review page-539 (March 2000).
8. J. Randy Beck, “The False Claims Act and the English Eradication of Qui Tam Legislation”, 78 North Carolina Law Review page-540 (March 2000).

9. Уголовное законодательство. Введение // Российское законодательство X - XX вв. В 9 т. Т. 4. Законодательство периода становления абсолютизма. М.: Юридическая литература, 1986. С. 314 - 315.
10. Уголовное законодательство. Введение // Российское законодательство X - XX вв. В 9 т. Т. 4. Законодательство периода становления абсолютизма. М.: Юридическая литература, 1986. С. 314 - 315.
11. Larry D. Lahman, "Bad Mules: A Primer on the Federal False Claims Act", 76 Okla. B. J. 901, 901 (2005).
12. Larry D. Lahman, "Bad Mules: A Primer on the Federal False Claims Act", 76 Okla. B. J. 901, 901 (2005).
13. New York City During the American Revolution. Internet Archive: Mercantile Library Association. 1861. p. 11 et seq.
14. John L. Smith, Jr. December 19, 2013. Benjamin Franklin: America's First Whistleblower. Journal of the American Revolution. Page-7.
15. Washington, Government Printing Office (1708). "Journals of the Continental Congress: 1794 - 1799, pp. 732-33". Page-3.